25 03 97

Гос. книжная палата УзССР

Ilm o'zni bilmakdir

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

*1931 йилдан чиқа бошлаган* 1997 йил 12 март, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 21 (6917)

*Da'vat*

Киши ўз Ватанини ҳимоя қилсагина, ўз хулқи билан бирга бўлсагина, у ҳар доим барҳаётдир.

Аҳмад ДОНИШ.

*Ibrat*

Яқинда Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Навоий номли жамоа хўжалиги ҳудудида 420 ўринли мактаб биноси қуриб битказилди. Икки қаватли билим даргоҳини 214-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари барпо этишди.

**Суратда кўриб турганингиздек, компьютер сабоқлари бугунги кунда мактабларимиздаги энг қизиқарли дарслардан ҳисобланади. ЭҲМни пухта ўзлаштириб олиш ниятида тизилишиб турган болалар Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 10-гимназияда таҳсил олишади. Уларга устозлари Рўзимуҳаммад Йўлдошев бу борада ҳамиша бошқошдир.**



**В. АЧКАСОВ олган сурат.**

## БАЙРАМНИНГ БОШЛАНИШИ

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг анъанавий қўшиқ байрами ўтказиш тўғрисида чиқарган қарорига жавобан Навоий шаҳридаги 18-ўрта мактабда шаҳар халқ таълими тизими бўйича «Қўшиқ байрами»нинг 1-босқичи ўтказилди. Танловда мактаб ўқитувчилари, боғча тарбиячилари иштирок этдилар. Улар ўзларининг Ватан, Узбекистон, Она юртни мадҳ этувчи қўшиқларини ҳакамлар ҳайъатига ҳавола этдилар. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига биноан Навоий шаҳар 8-ўрта мактаб мусиқа ўқитувчиси Хушандон Баҳронова, 17-ўрта мактаб мусиқа ўқитувчиси Садоқат Баҳронова, 2-ўрта мактаб ўқитувчиси Салимжон Жумановларнинг ижро этган қўшиқлари барчага ғоятда манзур бўлдит ва улар 1-босқич ғолиблари деб топилиб, кейинги босқичларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

**С. ЖЎРАЕВА.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШдаги етакчи яҳудий ташкилотлари президентлари конференциясининг шу конференция раиси Леон Леви раҳбарлигидаги делегациясини қабул қилди.**

**• Республикамиз хотин-қизларининг Тошкентда бўлиб ўтган биринчи конференциясида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 1991-1996 йиллардаги ишлари якунлари муҳокама этилди.**

## JUMLADA JAHON

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир У. Султонов раислигида бўлиб ўтган кенгашда дебитор-кредиторлик қарзлари аҳволи ва уларни камайтириш йўллари муҳокама қилинди.**

**• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Боинг» компанияси тижорат самолётлари гуруҳи президенти Р. Вударднини қабул қилди.**

**• АҚШ ва Россия Президентларининг шу ойга мўлжалланган олий даражадаги учрашуви олдидан Россиянинг НАТО билан муносабатларини ойдинлаштириш мақсадида учинчи бор Россия ташқи ишлар вазири Е. Примиков билан учрашган НАТО саркотиби Хавьер Солано ўз ташрифи натижаларидан мамнун бўлди.**

**• Кобул дорилфунунининг ўз фаолиятини бошлаганлиги илм иштиёқидаги хотин-қизлар учун қувонишга сабаб бўлмади. «Толиблар» ҳамон аёлларнинг эркаклардан ҳоли равишда илмий фаолият олиб боришлари керак, дея қатъий туришибди.**

*Maktabgacha tarbiya muassasalarida*

## МАРҲАБО, НАВРЎЗ!

***Наврўз — яшариш, янгиланиш палласи. Бу айёмга диёримизнинг барча таълим-тарбия масканларида ўзига хос ҳозирлик кўрилаётир. Мухбиримиз пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 448-болалар боғчасида бўлиб, боғчанинг бош тарбиячиси Машҳура АЗИЗОВАдан кичкинтойлар масканида Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш учун кўрилаётган тадбирлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.***

— 1997 йил «Инсон манфаатларли йили» деб аталди. Мана шу йилда боғчадаги барча ходимлар — мудирадан тортиб энагагача маънавиятни юксалтириш борасида ўз улушимизни қўшишимиз лозим. Бунинг учун, аввало, ўзимиз тарбияланган бўлишимиз, ота-оналар нуридийдаларини ишониб топширар эканлар, уларнинг ишончини қозонишимиз керак. Келажагимиз эгалари бўлмиш жажжи кичкинтойларни маънавиятли, маърифатли булиб камол топишларида мустаҳкам пойдевор яратиш биз тарбиячиларнинг асосий бурчимиздир.

Наврўз байрамига ҳозирлик жараёнида маънавият жиҳатларига алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Жумладан, болажонларнинг ташқи кўриниши ва маънавий қиёфаси ҳамиша диққат-эътиборимизда. Боғчада 11 та гуруҳ мавжуд. Ҳар бир гуруҳ тарбияланувчилари билан ёшларига хос тайёргарлик олиб борилаётир. Мусиқа раҳбарларимиз Д. Маҳамедова ҳамда С. Хильковалар машғулотларда болаларга баҳор, Наврўз ҳақида шеърлар, қўшиқ, рақс ҳамда гул ҳақида айтишувлар, лапарлар ўргатишаётир. «Биларжон ва Билмасвой» ҳамда «Меҳмон-меҳмон» ўйинлари ҳақида кичик саҳна кўринишлари намойиш қилинади. «Меҳмон-меҳмон» ўйинида шарқона удумларни, қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Меҳмон — отангдан улуғ, деганларидек, меҳмонга мезбоннинг самимий муносабати, ширин сўз, очиқ чеҳра, дилкаш бўлиши, ўз ўрнида меҳмон ҳам кўрсатилаётган мулозаматларга жавобан камтар, ўзини тута биладиган бўлиши уқтириляпти.

Гуруҳ машғулотларида буғдойнинг ювилиши, ундирилишидан то сумалак тайёрланишигача бўлган жараёнлар тушунтирилади. Тайёрлов гуруҳи тарбияланувчиларига ошпаз билан ҳамкорликда хамир қилиш, чучвара тугиш, печенье пишириш, нон ёпиш жараёнлари таништириб борилмоқда. Наврўз дастурхонини тузаш ҳам ўргатилмоқда.

Хуллас, Наврўз айёми барча тарбиячи ва тарбияланувчиларда яхши таассурот қолдириши, шубҳасиз.

**Суҳбатдош Дилбар ХЎЖАЕВА.**

*O'tkir burchak*




**— Домлажон, бу робот уйга берадиган масалаларингизнинг ҳам ечимини топа оладими?**

**Зокир УСМОНОВ чизган сурат.**

ИНТЕРНЕТ INTERNET

### КЛИНТОННИ ТАШВИШГА ҚЎЙГАН КАШФИЁТ

Жаҳондаги сўнгги улкан шов-шувга шотландиялик генетикларнинг лабораторияда ўстирилган қўзиси сабаб бўлди. Яқинда АҚШнинг Орегон штатидаги Бивертон илмий-тадқиқот марказида ҳам шундай тажриба маймун устида муваффақиятли амалга оширилгани эълон қилинди. Гап шундаки, жонли мавжудот, биринчи бор икки хил жинсий ҳужайранинг ривожланишидан эмас, балки генетик инженерия усулида бир ҳужайранинг ўстирилиши орқали пайдо бўлди. Ўстирилган қўзи ҳам, маймун ҳам онасининг «нусха»си, уларнинг биологик кодлари бир хил.

Айрим мутахассислар фикрича, олимлар бирор мавжудот нусхасини ўстириб, ундан керакли органлар олишни мақсад қилиб қўйган. АҚШ Президенти Билл Клинтон махсус комиссияга уч ой муддатда бундай шубҳали тажрибанинг инсониятга келтирадиган хавфини ва қарши чораларини ўрганиб чиқишни топширди. Бироқ тажрибага технологик ёрдам кўрсатган «ППЛ» компаниясининг директори Рон Жеймснинг айтишича, мақсад илмфан ютуғига эришиш эди ҳамда улар бу усулни сигир ва чўчқада ҳам синаб кўрмоқчилар. Айни пайтда, Буюк Британия ҳукумати Рочестер лабораториясига 480 минг доллар ҳисобидаги йиллик ёрдамни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилди. Европа ҳамжамиятининг бир қатор раҳбарлари ҳам бундай тажрибаларни бутунлай тақиқлашга чақирдилар. Жаҳон илмий ҳамжамияти атом қуролининг ясалиши билан тенглаштирилаётган янгиликни ҳар томонлама ўрганишга киришиб кетди, тортишувлар эса давом этмоқда.

*Aks sado*

## ИСТАКЛАРИ ЧЕГАРА БИЛМАС

Ҳурматли таҳририят!

Мен «Маърифат»нинг доимий мухлисиман. Таҳлилий материалларни, шу куннинг долзарб масалаларига бағишланган мақолаларни қизиқиб ўқиб бораман. 1997 йил 22 февраль сонида «Мавзуга қайтиб» рукни остида берилган. М. Валиеванинг «Базм эмас, байрам бўлсин» мақоласи қўлимга қалам олишга ундади.

Касбим ўқитувчи. Бир неча йиллардан бери юқори синфларга раҳбарлик қиламан. Мақолада ёзилган воқеаларнинг гувоҳиман, десам муболаға бўлмас. Мақолани дарсга олиб кирдим ва ўқувчилар билан муҳокама қилдик. Баъзи ўқувчилар ўқитувчилар кўнглидаги гапларни айтди. Уларнинг дил сўзларидан лавҳалар келтираман.

**АБДУРАҲМОНОВА:**

— Тўғри, етуклик аттестати олинадиган кун, «Сўнгги қўнғироқ», ўқувчилик даврининг унутилмас кунлари. Фикримча, алоҳида кийим тиктириш, унинг бир хил бўлиши, ҳаммаси бу иккинчи даражали масала. Шу боис, битирув оқшомларида ўқитган ўқитувчиларимизга ҳар биримиз дил сўзларимизни айтсак. Менимча, барчанинг кўнглидаги гап бўлади.

**НОСИРОВА:**

— Никоҳ кўйлагининг «Оқшом»да кийилишига қаршиман. Ҳаётимиз мобайнида уни бир маротаба кийсак, ҳар томонлама тўғри бўлади, деб ўйлайман.

**МИРКОМИЛОВА:**

— «Сўнгги қўнғироқ» ва «Оқшом» кечаларининг сценарийлари газетада берилишини жуда-жуда хоҳлайман. Лекин шу билан бирга ота-оналаримиз, устозларимиз ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам шартларимизни бажаришга ҳаракат қилишсин. Санъаткорларсиз «Оқшом»ни тасаввур ҳам қила олмайман. Чунки оқшом кечаси ҳаётда бир марта бўлади...

Мана шунақа гаплар. Орзулари осмонча бўлган битирувчиларимизнинг истакларини бажараверишга қурбимиз етармикин? Истакларининг чегараси бормикин? .. Назаримда, аттестат бериладиган кун, албатта, сценарийлар тузилиб, йил давомида дарс берган ўқитувчилар, шунингдек, ота-оналар қатнашса, битирувчилар ўқитувчиларга бағишланган дил сўзларини айтсалар, ўқитувчилар эса ўқувчилар ҳақидаги илиқ фикрларни билдирсалар, айни муддао бўлади.

**Ёқутхон МЎМИНОВА, муаллима.**

*Bizning suhbat*

## ИҚТИСОД ВА ҲАЁТ

***Иқтисод — бу ҳаёт. Биз қаерда ва қай вазиятда юрмайлик, унга дуч келамиз. Бундан 15—20 йил аввалги умумтаълим мактаблари ўқувчига математика илмидаги тўрт амал — қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлишни, тенглама ва масалалар ечишни ўргатар, булардан қисман хабардор бўлган, ўқувчининг турмушда унчалик қоқилмасликлари бот-бот таъкидланар эди.***

***Бугун-чи? Бугун эса бу кифоя қилмай қолди. Иқтисод илми ўта мураккаб фан эканлиги аён бўлди. Хўш, ҳозирги мактабларимиз иқтисод илмини ўрганиш, татбиқ этиш, талқин қилиш борасида нима билан банд? Вазифалар нималардан иборат? Умуман, бугунги ўқувчининг миясига арифметик амаллардан ташқари иқтисодий жараёнларни «қуйиш» қандай кечмоқда?***

***Республика Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шукур Пўлатов мухбиримизнинг саволларига батафсил ва чуқур таҳлил асосида жавоб берди. Зеро «қармоқни узун ташлаб», у ёки бу масалани юқоридан туриб таҳлил қилишнинг ҳам зарари йўқ.***

**Савол:** — Иқтисодий таълим давр тақозосига айланди. Яъни бу давлатимизнинг ҳозирги сиёсати билан чамбарчас боғлиқ, шундай эмасми?

**Жавоб**: — Ижтимоий фаол ва ижодкор шахс мактабдан мустақил ҳаётга қараб йўл олади. У ҳисоб-китоб қилишни, келажакда ўзи, оиласи учун маданий-маиший шароитлар яратиш йўлларини билмас экан, турмушда кўпдан-кўп тўсиқларга рўпара келади. Ҳар бир шахс иқтисодни, ҳаётни, турмушнинг майда-чуйдаларидан улкан муаммолар ўсиб чиқишини идрок этиши керак. Шу боис мактабларнинг вазифаси нимадан иборат бўлиши керак? Унинг олдида кенг қамровли ишлар турибди. Ўқувчи иқтисод илмини пухта эгалласин токи у иқтисодий атамалар олдида довдираб қолмасин, ахир у мактаб билан хайрлашганда, ҳар қадамда, ҳар лаҳзада иқтисодга дуч келади.

Юртимиз тарихига, аждодларимиз ҳаётига назар ташласак, ҳайратдан лол қоламиз. Ахир «Буюк ипак йўли»даги савдо-сотиқ, олди-берди, келди-кетди уларнинг иқтисодни ниҳоятда пухта билганликларини исботламайдими? Қадимда юртимизга карвонлар келарди, уларни сарбонлар бошқарарди...

Айрим ношукур бандалар, юртимиз мустақил бўлиб, нима ўзгарди, деганлари қулоғимга чалиниб қолади. «Йўқ, дўстим, бу сен ўйлаганчалик жўн гап эмас» дегим келади уларга. Ахир, мустақил юрт бу алоҳида давлат сифатида тан олингани. Ўзбекни, Ўзбекистонни ер юзида кўп давлатлар билишмасди. Бугун халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаб, ўз давлатини ўзи бошқараяпти.

Президентимиз И. А. Каримов даъвати билан «Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш» тузилди.

Нима демоқчиман? Иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ равишда вазирлигимизнинг ҳам вазифалари бисёр. Бугунги кунда фуқароларни, биринчи галда ёш авлодни ҳалол меҳнат қилишга, тадбиркорлик билан иш юритишга, тежамкорликка, ижодкорликка ўргатиш, ҳозирги замон иқтисодий қонуниятларини идрок этишга, уддабуронлик билан фаолият кўрсатишга ўргатиш талаб этилаётир. Жамиятимиз инсон манфаатларини кўзлайди, ўз навбатида фуқаро ҳам унга хизмат қилиши керак.

**Савол: — Вазирлик томонидан иқтисодий таълимнинг умумтаълим мактаблари, янги турдаги муассасалар ва мактабгача тарбия бўғини учун қандай йўналишлари ишлаб чиқилди?**

**Жавоб:** — Юқорида таъкидлаб ўтдимки, иқтисодий ислоҳотлар бўйича идоралараро кенгаш тузилган бўлиб, у 1996 йил 16 мартда ўзининг махсус қарорини вазирлигимиз ҳукмига ҳавола этди. «Ўзбекистон республикасида иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги бу қарор таълим муассасаларида амалга ошириладиган иқтисодий таълимнинг ҳуқуқий кафолатларидан биридир. Айнан шу қарор асосида Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 29 апрель 92-сонли «Халқ таълими муассасаларида иқтисодий таълим-тарбияни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи чиқарилди. Ана шу буйруқ асосида 1996—1997 ўқув йилидан бошлаб барча вилоят мактабгача тарбия муассасаларида «Илк иқтисодий

**(Давоми 3-бетда).**

**Янги — 1997-98 ўқув йилида қўлланиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмалари рўйхати.**
**2-бет.**

**ТАРИХИ МУЛЛОЗОДА**
**3-бет.**

**«ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҚ БАЙРАМИ»**
**4-бет.**

**MMM XABARLARI**

### КАСБ-ҲУНАР ЁШЛИК ЗИЙНАТИ

*Яккабоғ туман ҳокимлиги мажлислар залида туман «Камолот» ёшлар жамғармасининг ёшлар тарбияси ва уларни касб-ҳунарга ўргатиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари корхона раҳбарлари ҳамда маъмурий орган раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишда туман ёшлари фаолияти билан боғлиқ масалалар хусусида гап борди. Иштирокчилар ёшлар тарбияси борасида ўз мулоҳазаларини билдириш билан бирга бугуннинг долзарб вазифалари ҳақида фикрлашиб олдилар.*

### UCHRASHUV

*ToshDUning madaniyat saroyida yana bir qiziqarli uchrashuv bo'lib o'tdi. Uni jurnalistika Fakulteti kafedra mudiri H. AKBAROV olib bordi. Kechada «Sohibqiron Amir Temur» filmi ijodkorlari ishtirok etishdi. Rejissyorlar I. Ergashev, O' Alixo'jaev, operator R. Ibrohimov hamda filmda ishtirok etgan ba'zi aktiyorlar talabalarga film haqidagi taassurotlarini so'zlab berdilar.*

### «БИЗ НЕЧУН СЕВАМИЗ, ЎЗБЕКИСТОННИ»

*Ана шу мавзуда Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат университети факультетлари орасида адабий-бадиий танлов ўтказилди. Унда ҳуқуқшунослик факультети талабалари фахрли биринчи ўринни, чет тиллари факультети талабалари иккинчи ўринни ва филология факультети талабалари эса учинчи ўринни эгаллашди.*

*Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, танловда республикамизнинг мустақиллик даврида эришган улкан ютуқларини ифодаловчи саҳна кўринишларини ижро этган филология факультети талабалари йиғилганлар олқишига сазовор бўлишди.*

### САҲНАДА ФАҚАТ ҚИЗЛАР

*Пойтахтимиздаги алоқа коллежида 8-Март хотин-қизлар байрамига бағишланган қизлар ўртасида «Иқбол» конкурси бўлиб ўтди. Мусобақада коллежнинг бир гуруҳ қизлари ўзаро беллашдилар. Ўз маҳоратларини чиройли намойиш қила олган талабалар Шаҳноза Аҳмедова 1-ўринни, Н. Тошмедова 2-ўринни ва С. Нажмиддинова 3-ўринларни эгаллашди.*

*Кеча сўнггида алоқа коллежининг директори С. Акбаров мусобақа ғолибларига қимматбаҳо совғалар топширди.*

**МУАЛЛИФЛАР: Ф. ЖУМАЕВА, Н. ABDULLAEV, F. ЁҚУБОВ, Б. СИРЛИБОЕВ.**

**MMM XABARLARI**

# Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблар учун 1997/98 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар

# РЎЙХАТИ

## 1-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Қайси йилдан бошлаб нашр этилган ва охирги нашр йили |
|---|---|---|
| 1* | О. Шарафутдинов ва б. Алифбе | 1996-1997 |
| 2. | Қ. Абдуллаева ва б. Она тили | 1996 |
| 3**. | Қ. Абдуллаева ва б. Ёзув дафтари 1 | 1996-1997 |
| 4**. | Қ. Абдуллаева ва б. Ёзув дафтари 2 | 1996-1997 |
| 5*. | Т. Ғаффарова ва б. Алифбе | 1996-1997 |
| 6. | Т. Ғаффарова ва б. Она тили | 1996 |
| 7**. | Т. Ғаффарова ва б. Ёзув дафтари 1 | 1996-1997 |
| 8**. | Т. Ғаффарова ва б. Ёзув дафтари 2 | 1996-1997 |
| 9. | Н. Бикбаева ва б. Математика | 1996 |
| 10**. | Н. Бикбаева ва б. Математика дафтари 1 | 1996-1997 |
| 11**. | Н. Бикбаева ва б. Математика дафтари 2 | 1996-1997 |
| 12**. | А. Григорьянц ва б. Атрофимиздаги олам | 1996-1997 |
| 13. | Б. Маъқулова ва б. Китобим - Офтобим | 1996 |
| 14**. | М. Ғуломов. Ҳуснихат | 1997 |
| 15. | М. Аҳмедов. Математика (синов) | 1997 |
| 16** . | Х. Эгамов. Ўзинг бўя ва бажар | 1996-1997 |
| 17**. | Х. Эгамов. Ўзинг қур ва яса | 1996-1997 |
| 18. | З. Валиева ва б. Иқтисод алифбоси | 1997 |

## 2-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | Қ. Абдуллаева ва б. Ўқиш китоби | 1997 |
| 2. | К. Қосимова ва б. Она тили | 1997 |
| 3. | Н. Бикбаева ва б. Математика | 1997 |
| 4**. | Н. Бикбаева ва б. Математика дафтари 1 | 1997 |
| 5**. | Н. Бикбаева ва б. Математика дафтари 2 | 1997 |
| 6. | А. Григорьянц ва б. Атрофимиздаги олам | 1997 |
| 7**. | А. Григорьянц ва б. Кузатиш кундалиги | 1997 |
| 8. | Т. Абдуллаева ва б. Ниҳол (синов) | 1997 |
| 9**. | М. Ғуломов Ҳуснихат | 1997 |
| 10** . | Р. Ҳасанов ва б. Ўзинг бўя ва бажар | 1997 |
| 11** | Р. Ҳасанов ва б. Ўзинг қур ва яса | 1997 |
| 12. | В. Андриянова ва б. Русский язык в картинках | 1997 |

## 3-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | М. Умарова. Ўқиш китоби. | 1997 |
| 2. | С. Фузаилова ва б. Она тили | 1997 |
| 3. | Н. Бикбаева ва б. Математика | 1997 |
| 4. | В. Андриянова ва б. Букварь | 1997 |
| 5. | М. Ғуломов. Ҳуснихат | 1997 |
| 6**. | Х. Эгамов. Ўзинг бўя ва бажар | 1997 |
| 7**. | Х. Эгамов Ўзинг қур ва яса | 1997 |
| 8. | М. Қодиров ва б. Эски ўзбек ёзуви 3-4 синф | 1991-1994 |
| 9. | З. Валиева ва б. Иқтисод алифбоси 4-синф | 1997 |

## 4-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | А. Шожалилов ва б. Ўқиш китоби | 1994-1996 |
| 2. | А. Азизова ва б. Она тили | 1993-1996 |
| 3. | С. Маҳмудова ва б. Русский язык | 1994-1995 |
| 4. | Е. Бельская ва б. Табиатшунослик | 1993-1997 |
| 5. | Л. Леванберг ва б. Математика | 1989-1996 |
| 6**. | А. Григорьянц ва б. Кузатиш кундалиги | 1995-1996 |
| 7. | Р. Мавлонова. Меҳнат | 1995 |
| 8. | З. Валиева ва б. Иқтисод алифбоси | 1997 |

## 5-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | В. Саримсақов ва б. Ўзбек адабиёти | 1993-1997 |
| 2. | М. Асқарова ва б. Она тили | 1993-1997 |
| 3. | Х. Неъматов ва б. Она тили (синов) | 1997 |
| 4. | Ж. Икромов ва б. Математика | 1996 |
| 5. | Т. Петрова ва б. Русский язык | 1992-1996 |
| 6. | М. Худойберганова ва б. Инглиз тили | 1991-1996 |
| 7. | М. Аҳмедшин ва б. Немис тили | 1991-1996 |
| 8. | Н. Нешева ва б. Француз тили | 1991-1996 |
| 9. | А. Баҳромов ва б. Тиббиёт | 1995 |
| 10. | А. Кабиров ва б. Жаҳон тарихи, 5-6-синф | 1995 |
| 11. | А. Рустамов ва б. Эски ўзбек ёзуви | 1994 |
| 12. | У. Холдоров. Қишлоқ хўжалик меҳнати | 1992-1996 |
| 13. | С. Булатов. Ганчкорлик | 1997 |
| 14. | Т. Пошшахўжаева ва б. Хизмат кўрсатиш меҳнати | 1992 |
| 15. | Р. Толипова ва б. Русское слово (синов) | 1996 |
| 16. | А. Асқаров. Ўзбекистон тарихи (ўқитувчилар учун) | 1994 |
| 17. | О. Тўраева ва б. Одобнома | 1996 |
| 18. | One to one (Бирга бир) ББС | 1997 |

## 6-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | А. Ғуломов ва б. Она тили, 6-7 синф | 1993-1996 |
| 2. | Б. Саримсақов ва б. Ўзбек адабиёти | 1993-1997 |
| 3. | М. Сергеева ва б. Русский язык | 1993-1997 |
| 4. | Е. Киссен ва б. Книга для чтения | 1990-1997 |
| 5. | Ж. Икромов ва б. Математика | 1997 |
| 6. | Т. Одилов ва б. Ботаника | 1997 |
| 7. | П. Мусаев ва б. Материклар географияси | 1996 |
| 8. | М. Худойберганова ва б. Инглиз тили | 1992-1996 |
| 9. | М. Аҳмедшин ва б. Немис тили | 1992-1996 |
| 10. | Н. Нешева ва б. Француз тили | 1992-1996 |
| 11. | А. Воробьев ва б. Меҳнат таълими | 1992-1996 |
| 12. | Т. Пошшахўжаева ва б. Хизмат кўрсатиш меҳнати | 1993 |
| 13. | С. Булатов. Ганчкорлик | 1997 |
| 14. | Х. Нўрматов. Мусиқа | 1997 |
| 15. | О. Тўраева ва б. Одобнома | 1996 |
| 16. | А. Муҳамаджонов. Ўзбекистон тарихи | 1994 |

## 7-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | Қ. Йўлдошев ва б. Ўзбек адабиёти | 1993-1997 |
| 2. | Х. Яқубова ва б. Русский язык | 1994-1996 |
| 3. | В. Андриянова ва б. Книга для чтения | 1992-1996 |
| 4. | Ш. Алимов ва б. Алгебра | 1996 |
| 5. | Н. Гайбуллаев ва б. Геометрия | 1997 |
| 6. | Т. Одилов ва б. Ботаника | 1997 |
| 7. | В. Биховский ва б. Зоология, 7-8-синф | 1991-1995 |
| 8. | М. Худойберганова ва б. Инглиз тили | 1993-1997 |
| 9. | Н. Нешева ва б. Француз тили | 1993-1997 |
| 10. | А. Давидов ва б. Немис тили | 1972-1991 |
| 11. | А. Перишкин ва б. Физика | 1994-1996 |
| 12. | Д. Шодиев ва б. Физика (синов) | 1997 |
| 13. | Т. Салимов ва б. Жаҳон тарихи | 1995 |
| 14. | Х. Муқминова ва б. Ўзбекистон тарихи | 1994 |
| 15. | С. Булатов Ганчкорлик | 1997 |
| 16. | А. Воробьев ва б. Меҳнат таълими | 1994 |
| 17. | Т. Пошшахўжаева ва б. Хизмат кўрсатиш меҳнати | 1994 |
| 18. | П. Ғуломов ва б. Туркистон табиий географияси | 1997 |
| 19. | О. Тўраева ва б. Одобнома | 1995 |

## 8-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | М. Асқарова ва б. Она тили, 8-9 синф | 1993-1997 |
| 2. | А. Каттабеков ва б. Ўзбек адабиёти | 1993-1997 |
| 3. | М. Ботирова ва б. Русский язык | 1994-1996 |
| 4. | И. Стиркас ва б. Книга для чтения | 1994-1996 |
| 5. | Ш. Алимов ва б. Алгебра | 1991-1996 |
| 6. | В. Погорелов ва б. Геометрия, 8-11 синф | 1984-1994 |
| 7. | В. Брадис. Тўрт хонали математика жадваллари | 1993 |
| 8. | А. Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари | 1994-1997 |
| 9. | А. Абдуқодиров ва б.Информатика ва ҳисоблаш техника асослари бўйича машқлар тўплами. | 1996 |
| 10. | Х. Бобобеков ва б. Ўзбекистон тарихи | 1994-1996 |
| 11. | М. Мамажонов ва б. Химия | 1995-1997 |
| 12. | А. Перишкин ва б. Физика | 1990-1994 |
| 13. | А. Мўминов ва б. Ўзбекистон табиий географияси | 1994-1996 |
| 14. | И. Смирнова ва б. Инглиз тили | 1994-1996 |
| 15. | Н. Нешева ва б. Француз тили | 1994-1996 |
| 16. | Я. Веньяминов ва б. Немис тили | 1989-1990 |
| 17. | Ю. Ходаков ва б. Химиядан масалалар тўплами | 1982-1993 |
| 18. | Д. Омонуллаева. Мусиқа | 1993-1995 |

## 9-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | Н. Комилов ва б. Ўзбек адабиёти мажмуаси | 1993-1997 |
| 2. | Ш. Алимов ва б. Алгебра | 1993-1996 |
| 3. | Д. Шодиев ва б. Физика | 1993-1996 |
| 4. | И. Кикоин ва б. Физика | 1991-1995 |
| 5. | В. Аминов ва б. Одам ва унинг саломатлиги | 1995-1997 |
| 6. | А. Каримова ва б. Руский язык | 1994-1996 |
| 7. | Ф. Спекторман. Книга для чтения | 1995-1997 |
| 8. | З. Акромов ва б. Ўзбекистон иқтисодий географияси | 1993-1997 |
| 9. | Г. Рудзитес ва б. Химия | 1991-1993 |
| 10. | Р. Раджапова Ўзбекистон тарихи | 1994-1996 |
| 11. | А. Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари | 1995-1997 |
| 12 . | А. Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари бўйича машқлар тўплами | 1996 |
| 13. | А. Римкевич ва б. Физикадан масалалар тўплами, 9-11 синф | 1987-1993 |
| 14. | В. Редькин. Русский язык (синов) | 1995 |
| 15. | Т. Қурбонов. Одобнома | 1995-1997 |
| 16. | Г. Алиев ва б. Инглиз тили | 1989-1992 |
| 17. | В. Федоров ва б. Немис тили | 1989-1990 |
| 18. | Н. Мирхайдарова ва б. Француз тили | 1989-1990 |
| 19. | О. Каримова ва б. Давлат ва ҳуқуқ асослари | 1996 |
| 20. | Э. Сариқов ва б. Иқтисод ва бизнес асослари, 9-11 синфлар | 1997 |
| 21. | Э. Сариқов ва б. Иқтисод ва бизнес асослари бўйича амалий машғулот, 9-11 синфлар | 1997 |

## 10-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | Ғ. Абдураҳманов ва б. Она тили, 10-11 синф | 1995-1997 |
| 2. | В. Қосимов ва б. Ўзбек адабиётидан мажмуа | 1993-1997 |
| 3. | В. Қосимов ва б. Ўзбек адабиёти | 1997 |
| 4. | А. Азизов ва б.Руский язык | 1994-1997 |
| 5. | Р. Толипова ва б. Русское слово (синов) | 1995 |
| 6. | Г. Рудзитис ва б. Химия | 1992-1996 |
| 7. | М. Шахмаев ва б. Физика | 1993-1996 |
| 8. | Г. Мякишев ва б. Физика | 1991-1995 |
| 9. | Ш. Алимов ва б. Алгебра ва бошланғич анализ, 10-11 синфлар | 1996 |
| 10. | Е. Тўрақулов ва б. Умумий биология, 10-11-синфлар | 1995 |
| 11. | В. Максаковский ва б. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий географияси | 1995 |
| 12. | О. Алимарданова ва б. Ҳаёт ва турмуш одоби | 1996 |
| 13. | Ю. Минғозиев ва б. Инглиз тили, 10-11 синфлар | 1986-1990 |
| 14. | Ф. Асадулина ва б. Немис тили, 10-11 синфлар | 1990 |
| 15. | У. Турниёзов ва б. Француз тили, 10-11 синфлар | 1992 |
| 16. | А. Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари | 1997 |
| 17. | О. Ҳасанов ва б. Инсон хуқуқлари умумжаҳон деклорацияси | 1997 |
| 18. | Л. Ульрих ва б. Русская литература | 1993 |

## 11-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | У. Норматов ва б. Ўзбек адабиёти мажмуаси | 1993-1997 |
| 2. | У. Норматов ва б. Ўзбек адабиёти | 1995-1997 |
| 3. | А. Азизов. Русский язык | 1991-1997 |
| 4. | Н. Шахмаев ва б. Физика | 1994-1996 |
| 5. | Г. Мякишев ва б. Физика | 1992-1996 |
| 6. | Г. Рудзитис ва б. Химия | 1995 |
| 7. | В. Воронцов-Вельяминов ва б. Астрономия | 1992-1995 |
| 8. | У. Парпиев ва б. Бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш | 1996 |

## ЎҚУВ ФАНЛАРНИ ЧУҚУР ЎРГАНАДИГАН МАКТАБЛАР УЧУН

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | А. Ҳожиев ва б. Она тили 5-синф | 1992 |
| 2. | А. Ҳожиев ва б. Она тили 6-синф | 1992 |
| 3. | А. Ҳожиев ва б. Она тили 7- синф | 1992 |
| 4. | А. Ҳожиев ва б. Она тили 8-синф | 1992 |
| 5. | А. Ҳожиев ва б. Она тили 9-синф | 1992 |
| 6. | Н. Виленкин ва б. Алгебра ва бошланғич анализ, 10-синф | 1993 |
| 7. | Р. Мусахўжаев. Араб тили 7-синф | 1996 |
| 8. | Р. Аулова ва б. Ҳинд тили 3-синф | 1988-1991 |
| 9. | А. Буянова ва б. Ҳинд тили 4-синф | 1995 |
| 10. | «Трамполин». Француз тилидан дарслик | 1995 |

## 2-синф

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 14. | «Трамполин», Ёзув дафтари 2-синф | 1995 |
| 15. | «Нима, қаерда, қачон?» 1-дарслик | 1995 |
| 16. | «Нима, қаерда, қачон?» 2-дарслик | 1995 |
| 17. | «Нима, қаерда, қачон?» 3-дарслик | 1995 |

## МАХСУС МАКТАБЛАР

### ЁРДАМЧИ МАКТАБЛАР

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | С.Саидазимова Нутқ ўстириш, 1-синф | 1991 |
| 2. | М. Хўжаева. Ўқиш китоби, 4-синф | 1995 |
| 3. | Р. Шомаҳмудова. Русский язык, 2-синф | 1995 |
| 4. | К. Прямов. Математика, 5-синф | 1995 |
| 5. | Н. Раҳмонова. Она тили, 5-синф | 1995 |
| 6. | М. Аҳмаджонова. Ўқиш китоби, 6-синф | 1995 |
| 7. | А. Хилько.Математика 6-синф | 1983 |
| 8. | М. Хўжаева. Ўқиш китоби,7-синф | 1996 |
| 9. | А. Зевьялова. Математика, 8-синф | 1985 |
| 10. | И. Скрабина. Материклар географияси, 7-синф | 1987 |

### ЗАИФ ЭШИТУВЧИЛАР МАКТАБИ

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | Р. Олимхўжаева. Талаффуз, 0-5-синф | 1995 |
| 2. | У. Файзиева. Алифбе, 1-синф | 1995 |
| 3. | М. Моро, Математика, 2-синф | 1987 |
| 4. | Р. Олимхўжаева. Нутқ ўстириш, | 1994 |

### КАРЛАР МАКТАБИ

| Т/С | Дарслик ва ўқув қўлланмалар | Йил |
|---|---|---|
| 1. | У. Файзиева. Математика, 1-синф | 1994 |
| 2. | М. Холмуҳамедова. Ўзбек тили ва нутқ ўстириш. | 1995 |
| 3. | Х. Розиқов Талаффуз, 2-синф | 1995 |
| 4. | А.Титова. Табиатшунослик, 3-4-синф | 1989 |

ИЗОҲ:

*Белгиланган дарслик кутубхона жамғармасига киритилади, ҳар йили 101 фоиздан нашр этилади ва тасдиқланган «ТАРТИБ»га кўра ўқувчиларга совға сифатида қолдирилади ва шу асосида кутубхона жамғармаси ҳисобидан чиқарилади.

** Белгиланган қўлланмалар кутубхона жамғармасига киритилади ва ҳар йили кутубхона жамғармаси ҳисобидан чиқарилади.

**Республика Таълим маркази нашриёт бўлими бошлиғи Г. ТУГЕЕВА тайёрлаган.**

*Lotin yozubiga asoslangan yangi o'zbek alifbosini o'rganamiz*

## O'N IKKINCHI MASHG'ULOT

**X x, (Х х)**

X x — лотин ёзувидаги босма шакли. Кириллда ҳам худди шу шаклдадир. Чунки бу белги ҳар иккала тилга ҳам қадимги юнон тилидан кириб келган бўлиб, лотин алифбосида йигирма иккинчи, кириллда эса йигирма учинчи ўринда туради.

Xolboy — Холбой, Xosiyat — Хосият, Xadicha — Хадича, Xolida — Холида, xayol — хаёл, bexabar — бехабар, ixlos — ихлос, —daxldor — дахлдор, baxmal — бахмал ва ҳоказо.

Xolboy Xolidaning kelishidan bexabar edi — Холбой Холиданинг келишидан бехабар эди. Hotam xayoi bilan choyxonadagi bahsning ustidan chiqdi — Ҳотам хаёл билан чойхонадаги баҳснинг устидан чиқди. Xolida maxsus yo'llanma bilan Xevaga ketdi — Холида махсус йўлланма билан Хевага кетди. Xadicha Jizzaxdan xat oldi — Хадича Жиззахдан хат олди. Po'lkan shoir o'zbek xalqining sevimli baxshisi bo'lgan — Пўлкан шоир ўзбек халқининг севимли бахшиси бўлган.

Вазифа: X x ҳарфи билан келган сўзларни ёзинг ва сўзлардан гап тузинг. Унинг алоҳида ёзилиш шаклини ҳам машқ қилинг.

**Y y, (Й й)**

Y y — лотин ёзувидаги босма шакли. Кириллда босма шакли Й й. Алифбода'лотинча Y y йигирма учинчи ўринда, кириллда ўн биринчи ўринда туради.

Nihoyat — ниҳоят, yaqin — яқин, himoya — ҳимоя, hikoya — ҳикоя, kinoya — киноя, yaylov — яйлов, Baxtiyor — Бахтиёр, dunyo — дунё, xayol — хаёл, ayol — аёл.

Baxtiyor vodiy yaylovlarida qo'y boqdi — Бахтиёр водий яйловларида қўй боқди. Yo'ldosh choyxonada choy ichib, yaxshi kuy tingladi — Йўлдош чойхонада чой ичиб, яхши куй тинглади. Yuiduz xaritadan Osiyodagi daryolarni ko'rsatdi — Юлдуз харитадан Осиёдаги дарёларни кўрсатди.

Вазифа: Y y ҳарфи билан келган сўзларни ёзинг ва сўзлардан гап тузинг.

(Давоми бор).

Боши ўтган сонларда.

*Saxovat*

## ТАДБИРКОР ЎҚИТУВЧИ

Навоий шаҳридаги 11-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Мирпўлат Ҳасановнинг хусусий фирма очганига эндигина олти ой бўлди, номи «Ҳасан бобо». Айни пайтда унинг ҳисоб рақамида 1 млн.га яқин пули бор.

Бу фирма бошқаларга ўхшаб олди-сотди ёки даллоллик билан шуғулланмайди. Аҳолига ёки ташкилотларга буюртма асосида қурилиш хизмати кўрсатади. Энг муҳими, халқ таълими соҳасига ва унда ишлайдиган ходимларга арзон ва ҳатто баъзи жойларга текин хизмат кўрсатади.

— Фирмани очишдан мақсадим, халқ таълимига озгина бўлса ҳам ёрдам бериш, — дейди биз билан суҳбатда Мирпўлат ака. — Узингиз биласиз, ҳозирги пайтда қурилиш ва таъмирлаш хизмати жуда ҳам қимматлашиб кетди. Ўқитувчи бўлганлигим учун буни англаб, мактаб ва боғчаларни арзон таъмирлаб беришни мақсад қилгандим. Биринчи топган пулниёқ мактабимизнинг спорт залини таъмирлашга сарфладим, бунга 300 мингдан зиёдроқ пул кетди. Бундан ташқари ўзимизнинг фарзандларимиз тарбияланаётган боғча биносини, шаҳардаги 2 та мактабни арзон баҳода таъмирлаб бердик.

Мирпўлат Ҳасановнинг 20 нафардан кўпроқ кишини иш билан таъминлаб, ўртача 3500 сўм маош белгилаб қўйганлиги, халқ таълими соҳасига бераётган ёрдамлари ибратлидир. Дарвоқе, унинг жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида кўрсатаётган фаолияти ҳам мақтаса арзигулик. Унинг шогирдлари 1994 йили Беларуссияда, 1995 йил Волгоградда ўтказилган «Қувноқ стартлар» мусобақасида 2 марта ғолиб бўлиб қайтган.

Тадбиркор ўқитувчи М. Ҳасанов суҳбатимиз охирида мактаб кутубхонасини яқин кунлар ичида бадиий китоблар билан бойитиш ва Наврўз байрамида мактаб жамоасига катта ош қилиб бериш нияти борлигини айтди. Биз у кишининг эзгу ишларига ривожлар тиладик.

**Улуғбек ОДИЛОВ.**

